

Ўзбекистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган


ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 22 октябрь Чоршанба. № 82 (14474)

ЕР ЮЗИНИНГ ЖАВОҲИРЛАРИ



19-20 октябрь кунлари Жаҳон маданиятининг дурдоналаридан ҳисобланган Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги зўр тантана билан нишонланди. Бу тантаналарда Ўзбекистон Президентини Ислон Каримов табрик кийиклари сўзлади.



ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БУХОРО ШАҲРИНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!
Хонимлар ва жаноблар!
Узоқ-яқиндан ташриф буюрган қадрли меҳмонлар!
Бугун Ўзбекистон ҳаётида буюк бир сана — шону шавкати етти оламни тутган, қадимий ва ҳақиқатан навқирон Бухорони шарифнинг 2500 йиллик қўлтуғ тўйини нишонламоқдамиз.
Мана шу тарихий воқеа билан сиз — бугунги тантана иштирокчиларини, Бухоро аҳлини, сиз орқали бутун халқимизни муборакбод этишга руҳсат бергайсиз.
Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантаналарда катнашаётган БМТ, ЮНЕСКО вакиллари, хорижий давлатлар элчилари ва вакиллари, хориждан келган меҳмонларимизга, ахборот воситалари вакилларига сизнинг номингиздан чўқур ҳурмат ва эҳтиромимизни билдирмоқчиман.
Бухоро ўлкасининг минг йиллар давомида жаҳон тафаккури, маънавий, маданий ва диний қадриятлари тараққиётга улкан ҳисса қўшиб келган, шарифлик номига сазовор бўлган муқаддас жойларидан биридир.
Бухоро «Куббатул Ислому», яъни «Ислому динининг гўмбаси» ва буюк уламо-лар сўзи билан айтганда, «Қуввати дини Ислому» деб тан олинган ҳам Бухоронинг жаҳонда, бугунги Шарқ минтақасида мусулмон дунёсининг мўтабар марказларидан бири бўлишидан эътирофидир.
Бухоро тарихига назар ташлар эканмиз, миллатимизнинг йиғирма беш асрлик йўлини кўрамиз.
Бухоронинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир тарихий ва маданий обидаси эл-юртимизнинг буюк иқтидори ва яратувчилиги салохиятидан, юксак тараққиёт, илму маърифат, маънавият ва маданият, фалсафа ва дин равнақи йўлидан дарак беради.
Х асрнинг машҳур тарихчиси, асли бухоролик Абу Бакр Муҳаммад Наршахий нақл қилишича, Бухорога туркий қабилалар асос солган бўлиб, бу ерда «сув ва дарахтлар, ов қилинадиган жониворлар кўп бўлганидан кишиларга хуш келиб, шу ерга жойлашганлар», Наршахий шуни ҳам таъкидлайдики, энг қадимги мил-

лий қаҳрамонларимиздан бўлмиш алп Эртўнга (Афросиёб) ҳам айнан Бухорода дафн этилган.
Бу табаррук тупроққа милоддан олдинги VI асрда эронлик Кайхусрав, милоддан аввалги IV асрда юнонлик Искандар Зулқарнайн, милодий VII асрда араблар, XIII асрда Чингизхон, XIX асрда эса рус истилочиларининг тажовузлири не-не кулфатлар келтирмади.
Бу азим шаҳар, Кармана, Бойкент, Вобкент, Шофиркон, Ромитан, Ғиждувон каби қадимги кентларни ўз бағрига олган Бухоро воҳасида яшаган эрксевар аждодларимиз ҳар қандай истибод ва зулмга қарамай, эл-юрт озодлиги йўлида мутасил қаҳрамонона курашиб келдилар.
Ўвуз босқинчиларга ва истилочиларга қарши озодлик байроғини кўтарган Широк, Спитамен, Махмуд Торобий, Томир Хотун (Тумарис), Малика Кабжак Хотун каби аждодларимиз жасорати авлодлар учун ватанпарварлик ва шижоат тимсолидир.
Ўтган икки ярим минг йил давомида ўзбек давлатчилигини бошқарган қадимий хоразмшоҳлар, қушонлар, эфталитлар, ашиналийлар, сомонийлар, қорахонийлар, ануштегинийлар, теурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар, мангитлар сулолалари тарихимизда, хусусан, Бухоро азияда ўзига яраша ном ва из қолдирдилар.
Бухоро, айниқса, Теурийлар замонида гуллаб-яшнади. Жаҳон майдонидан энг мўтабар шаҳарлардан бири даражасига кўтарилган Бухоро ҳам диний, ҳам дунёвий илмлар маркази сифатида ном чикарди. Ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанд фаолияти айнан шу йилларда кечди.
1417 йили Бухорода Мирзо Улугбек қурдирган мадраса дарвозасига «Илм олмакка интилиш ҳар бир муслим ва муслима учун қарзу фарзидир» деган сўзлар ўйиб ёзилганда жуда катта маъно муҳасам: Худди шунингдек, 1433 йили Улугбек томонидан Ғиждувонда барпо этилган мадраса не-не авлодларга илму маърифат зиёсини тарқатган.
Бугун ҳам замин узра савлат кўтариб

(Давоми 2-бетда)

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХИВА ШАҲРИНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Хонимлар ва жаноблар!
Азиз ватандошлар, муҳтарам Хоразм ва Хива аҳли!
Қадрли меҳмонлар!
Шу кунларда юртимизда жуда катта тўйлар ва тантаналар давом этмоқда. Кеча Зарафшон воҳасида кўна Бухоромизнинг муборак ёшини нишонлаган бўлсак, мана бугун халқимиз, миллатимизнинг яна бир фахри ва гурури бўлмиш, бутун оламга машҳур гўзал Хивамизнинг 2500 йиллик тўйини шоду хуррамлик билан байрам қилмоқдамиз.
Сизларнинг барчангизни, авваламбор сиз — азиз Хоразм аҳлини ва бутун Ўзбекистон халқини, узоқ-яқиндан келган қадрли меҳмонларни ана шу шонли сана муносабати билан чин қалбдан самимий муборакбод этишга ихозат бергайсизлар.
Имкониятдан фойдаланиб, бирлашган Миллатлар Ташкилати, ЮНЕСКО вакиллари, хорижий давлатлар элчилари ва вакиллари, ахборот воситалари вакилларига ўзининг алоҳида миннатдорлигини билдираман.
Хива — гўзал диёримизнинг гавҳари, халқимиз санъати ва бунёдкорлиги тимсоли, маданий ва маънавий аъналаримизнинг абадийлигини ўзида муҳасам этган бир мўъжизадир.
Хива — бизнинг жонли тарихимиз, бу дунёга келиб-кетган қанча-қанча салтанатлар гувоҳи, юртимизнинг, халқимизнинг, миллатимизнинг мислсиз ўтмишидан, ота-боболаримизнинг даҳосидан, маънавий мулкимизнинг буюк иқтидори ва қудратидан далолатдир.
Бундан икки минг йил аввал яшаган римлик тарихчи Помпей Трог туркий халқларнинг энг қадимги аждодлари ҳақида шундай деб ёзган: «Бактрияликлар, сўғлар ва хоразмликлар келиб чиқшининг қадимийлиги бўйича мисрликлар билан бемалол беллаша олади. Улар меҳнатда ҳам, жангу жадалда ҳам ўзларини аямайдилар. Жисмонан ҳаддан ташқари кучлидир. Ўзларига тегишли бирор нарса кўлдан чиқаришни истамайдилар. Фақат галабага интиладилар».
Ўзбек давлатчилигининг тамал тошлари

бундан 2700 йил муқаддам айни Хоразм воҳасида қўйилган. Шу маънода, миллий давлатчилигимиз тарихи Миср, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон, Эрон каби энг қадимий давлатлар тарихи билан бир қаторда туради. Хоразм тарихи ўзбек давлатчилигининг асоси, унинг қудрати ва қадимийлигининг тасдиғидир.
Азиз юртдошларим!
Бугун миллий озодлик учун курашимиз тарихидан сўз кетар экан, биринчилар қаторида буюк Хоразм ўғлонларидан Наҳиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди каби миллий қаҳрамонларимизнинг номларини зикр этамиз.
Наҳиддин Кубро Ватанимизни Чингизхон босқинидан озод қилиш учун жанг қилиб, қўлида озодлик байроғини маҳкам тутиб жон таслим этгани тарихий манбалардан маълум.
Хоразмшоҳлар сулоласининг энг машҳур вакили Жалолиддин ҳам ўн бир йил давомида мўғулларнинг ғарбий ўлкаларга бостириб киришларига тўсиқ бўлиб турди. Фаним олдида бош эгмади, тиз чўкмади, ватан дея ҳалок бўлди.
Хоразм ва Хива тарихи халқимизнинг ёзув, илм-фан, санъат, маданият ва маънавият соҳаларидаги юксалиш босқичларини ўзида муҳасам этади.
Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто» ҳам айнан Хоразмда яратилгани фикримизнинг ёрқин далилидир.
Бугун болаларимиз мактабларда ва олий ўқув юртида ўрганидиган алгебра, алгоритм каби кашфиётларга асос солган Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий бу гўзал воқеа номини дунёга машҳур этган.
Атлантика уммони ортида Америка қитъаси борлигини Христофор Колумбдан 500 йил олдин башорат этиб, ҳаттоки унинг харитасини чизиб қолдирган буюк аждодимиз Абу Райхон Беруний мана шу муқаддас заминда туғилган.
Мақкаи Мукаррама Амири Ибн Ваҳхос XII асрда яшаб ўтган яна бир буюк ватандошимиз — араб тилининг мукамил грамматикасини яратган инсонни улуғлаб: «Дунёдаги барча қишлоқлар жамлиниб, Хоразмнинг биргина Замашхор қишлоғига фидо бўлса арзийди. Чунки бу қишлоқ минг

(Давоми 2-бетда)

ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилгач, иккита муҳим муаммага дуч келди: биринчиси - халқаро ҳамжамият томонидан эътироф ва ҳурмат этилувчи демократик фуқаролар жамиятини ривожлантириш қандай қарорларни олиши мумкин, иккинчи - мамлакат иқтисодини қайси йўл билан тараққиёт этириш керак? У баҳоли қудрат ўз муаммоларини ҳал этишга киришди. Бор-йўти 6 йил ўтгач, бу борада маълум ютуқларга эришиб, халқаро жамият томонидан Осиёнинг юраги ва улкан имкониятлар мамлақати сифатида тан олинди. Шунинг ўзиёқ мағрурлишига арзигулик ҳолдир.

Чингем БАЛИМ-ХАРДИНГ, Англиядаги Манчестер университети доктори

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Қадрли андижонликлар!
Пахта етиштириш борасида эришган улкан галабанигиз муборак бўлсин! Андижоннинг 310 минг тонналик «оқ олтин» республикамиз хирмонида муносиб ҳисса бўлиб қўйилди.
Маълумки, ўзбек пахтачилиги тарихида Андижон тажрибаси янги даврни бошлаб берди. Жаҳон пахтачилигининг энг ялғор ва замонавий усуллари мамлакатимизда биринчи марта ана шу мўтабар заминда синаб кўрилди ва ҳаётга татбиқ этилди. Навни саралаш, уруғчиликни такомиллаштириш, чингитни плёнка остига экиш юксак самара беришини сизлар амалда кўрсатдингизлар. Бугунги кунда Андижон технологияси юртимизнинг барча деҳқонларини янгиликка, изланишга, ташаббускорликка ундаб турибди. Сизлар деҳқончиликда яратган ўзига хос мактабингиз юртимиз пахтачилиги тажрибаларини бойитмоқда ва янги уфқларга чорламоқда.
Саховатли заминни эъозлаб, унинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланиб, узоқни кўзлаб иш юритганингиз учун нафақат пахтачиликда, балки деҳқончиликнинг бошқа соҳаларида ҳам бутун мамлакатта намуна бўлиб келмоқдасиз. Бу янги тафаккур самарасидир. Астойдил меҳнат қилган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Шунинг учун ҳам Андижоннинг шаҳар ва қишлоқлари кундан-кунга обод бўлмоқда, турмуш янада юксалмоқда, кўзни қувонтирадиган ўзгаришлар халқнинг руҳини кўтармоқда.
Сизлар эришган муваффақиятнинг яна бир муҳим омили буюк аждодларимизга хос танглигингиз, иймони бутлигингиз, ориятни маҳкам тутганингиздир. Бундай одамлар ҳаётни ўзгартиришга, уни гуллатиб-яшнашига қодирдилар.
Азиз андижонликлар!
Сизларни қўлга қиритган ютуқларингиз билан яна бир бор чин дилдан кутлайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, тивчилик-омонлик тилайман. Илоҳим, топганингиз яхши қиларга, тўйларга буюрсин! Оллоҳнинг ўзи барчангизни ўз паноҳида сақласин!

Ислон КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ғунга

Шоирни кўп юрт булбули кўп гулзорга ўхшайди. Бизнинг юртимиз қадим замоналардан шоир ва шоирлар мактаби саналган. Собиқ шўрлар замонида халқимизнинг ўтмиши нуқул қоралаб келинди. Ўтмишда авлор забун эди, чўри эди, деб тарғиб қилдилар. Ҳолбуки, юз йил, икки юз йил, уч юз йил нарида ҳам Гулбаданбеғимлар, Увайсийлар, Нодираю Зебунисолар адабимизнинг гўзал намуналарини яратганлар.
Бугун эса адабимизимиз дарёсига ангидан-янги ирмоқлар келиб қўшилмоқда. Бухоролик қизалоқ Комила Қаҳҳорова шундай ирмоқчалордан бири. У келажакда ушбу катта оқимга қўшилиб, дарё бўлса ажоб эмас.
Ўткир ХОСИМОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

БУХОРОМ

Бухором жамонин кўз-кўз этади,
Шоирлар шайхига шайхлар бийади,
Ҳоразм шоирларини қўлиб кейади,
Мен таъзим қиламан сенга, Бухором.

Мажри жамони деб ном олмак эдинг,
Шарихда жаратлар ҳар бийта сўдинг,
Орж-оржларини сўради кўдинг,
Мен таъзим қиламан сенга, Бухором.

Кўч қар ширлар қилвар қўлингизда,
Ерч омон ташвиши сенинг ёднингизда,
Мен таъзим қилар қилвар қўлингизда,
Мен таъзим қиламан сенга, Бухором.

Бухором, мен сенинг бойлигини қўллас,
Меҳрингиз севаман, шунинг учун.
Сенинг бойлиқларини биймас-бийчмас,
Мен таъзим қиламан сенга, Бухором.

Комила ҚАҲҲОРОВА,
Когон шаҳридаги 1-мактабнинг 8-синф ўқувчиси

Саховатлилар бор бўлсин

Кўкун шаҳридаги «Роҳат-Н» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси директори Нурулло ҳожи Абдуллаев кўп савоб ишларга бош қўшмоқда. Бу ташкилот оталиққа олиб, моддий ёрдам кўрсатаётган ташкилотлар ичида шаҳардаги гўдак болалар уйи ҳам бор. Ҳожи ака ўтган жума куну бу ерга келиб, (суратда) жамоа ёшларига «Туркистон» газетасига обуна бўлганликлари ҳақидаги ҳужжатларни топширди.
— Ҳомийимизнинг бундай мурувватидан жуда хурсандмиз, — дейди гўдаклар уйи бош шифокори Мавлудакон Хўжаева. — Шу билан бирга биз тахририят ходимларидан ёшлар тарбияси, одоб-ахлоқи, ёш отаналарнинг фарзандлари ва жамият олдидаги масъулияти каби мавзуларга алоҳида эътибор беришларини истар эдик.
«Роҳат-Н»чиларнинг ўн нафари ҳам «Туркистон»га обуна бўлдилар.



«КАМОЛОТ»-ЧАСИГА ҒАЙРАТ

Андижон вилояти Избоскан тумани ёшларининг фаолиятида «Камолот» жамғармасининг ўзига хос раҳбарлиги яққол намоён бўлмоқда.
Жамғарма иш фаолиятини «Ёшлик ЛТД» агрофирмаси ташкил қилиш билан бошлаган эди. Ҳозирда агрофирма қошида тикунчилик теҳни ҳам мавжуд бўлиб, унда бир қанча фидойи ёшлар ишламоқда.
УСМОНБЕК

Азиз муштарийлар!
«ТУРКИСТОН»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.
Нашр кўрсаткичимиз: ташкилотлар учун-204; яқка тартибдаги обуначилар учун 203,
«Туркистон» Сиз билан бирга!

